



## КОМПЬЮТЕР ЛИНГВОДИДАКТИКАСИ - ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ

Д.Уринбаева,  
Самарқанд вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш  
худудий маркази профессори

**Аннотация.** В данной статье рассматривается важность нового направления компьютерной лингвистики и его развития.

**Ключевые слова:** лингводидактика, лингвистическая педагогика, процесс компьютеризации, субъективные и объективные факторы, CD-ROM, гипертекст, гипермедийные технологии.

Инсон тафаккури шу қадар тараққий этиб бормоқдаки, техникалаштириш, компьютерлаштириш жараёни, нафақат, ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари, балки маданият ва таълим соҳаларига ҳам дадил кириб бормоқда. Компьютер технологияларининг шиддат билан ривожланиши таълим жараёнини янги босқичга қўтарди, бу ўз ўрнида таълим мазмунини, метод ва шаклларини қайта кўриб чиқиш, уни янги билим ҳамда кўникмалар билан янада бойитиш заруриятини туғдирди.

Хозирги вақтда таълим муассасаларида янги педагогик технологияларнинг илмий асосларини яратиш, уларни таснифлаш, методик аҳамиятини белгилаш, таълим жараёнига татбиқ этиш каби долзарб муаммолар устида иш олиб борилмоқда. Илғор педагогик технологияларнинг компьютер технологиялари билан уйғунлаштириб ташкил этилиши ва шу асосда лингводидактика асосий йўналишга айланиб қолмоқда. Шу тариқа лингводидактика, лисоний педагогика соҳалари ривож топмоқда, бу соҳаларда янги ахборот технологиялари тадбиқи масаласи долзарб вазифага айланиб бормоқда.



Мамлакатимизда таълим соҳасида рўй бераётган туб янгиланишлар ҳар бир таълим муассасасида ўқув жараёни методик таъминотини ривожлантириши талаб этади. Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари яқин йиллар ичида педагогик инновацияларнинг асосий манбай бўлиб қолади. Таълим олувчилар учун мустақил билим олиш имкониятларини ошириш, таълимнинг электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш таълим мазмунини такомиллаштиришнинг зарурий шартларидан бири саналади.

Замонавий таълим тизимининг асосини сифатли ва юқори технологияли муҳит ташкил этади. Унинг яратилиши ва ривожланиши техник жиҳатдан мураккаб, аммо бундай муҳит таълим тизимини такомиллаштиришга, таълим жараёнига ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этишга хизмат қилади.

Таълим тизимида дарсни самарали ташкил этиш воситалари, усуллари ривожланиб бормоқда. Уларнинг ривожланишига субъектив ва объектив омиллар таъсир этади. Объектив омиллар сифатида *сиёсий, илмий, маданий, ижтимоий* ва бошқалар инобатга олинади. Масалан, мамлакатдаги сиёсий ўзгаришлар дарс соатлари, режа, дастурни ўзгаришига сабаб бўлади. Субъектив омил – ўқувчиларнинг маълумотни қабул қилиши, ўқитиши технологияларининг янгиланиши, методиканинг ўзгариши, дарсликларнинг сифати билан белгиланади. Нима учун бугунги кунда таълимда ахборот технологияларини жорий этишнинг назарий асосини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурияти пайдо бўлди? Биринчидан, ўқитувчини ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки билимларни эгаллаш манбаларидан бирига айланиб қолаётганлиги бўлса, иккинчидан, илмий-техник тараққиётнинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин ортиб бораётганлиги ва улардан ўқитиши жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегаралангандиги, шунингдек, ўқувчиларни касбий фаолиятга



мукаммал тайёрлаш талаблари таълим тизимига замонавий технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Давлатимиз раҳбари “Ўқитувчи ва мураббийлар куни” муносабати билан соҳа вакилларига йўллаган табрик нутқида таъкидлаганидек, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиласиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир. Мактабда ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмuni ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди, – деди Шавкат Мирзиёев. Шундай экан, янги, самарали ва қулай методикани йўлга қўйиш учун компьютер лингводидактикаси соҳасини ривожлантириш бугунги кун талабига айланмоқда.

Лингводидактика хусусида олимларимиз турли фикрларни баён этишади: Лингводидактика – компьютер лингвистикасининг мустақил тармоғи бўлиб, янги педагогик технологияларнинг илмий асосларини яратиш, уларни таснифлаш, методик аҳамиятини белгилаш, таълим жараёнига татбиқ этиш билан шуғулланади. Рус олими Р.К.Миняр-Белоручева ва чех олими Р.Ходер «Лингводидактика фаолият обьектини тадқиқ қилиш натижасида олинган билимларга эмас, балки ўқув / ўқитиш менежментини бошқаришга таянади» деб таъкидлайди. Н.Д.Галскова эса, «Лингводидактика - хорижий тилларни ўқитиш назарияси ва эмпирик тажриба методикаси сифатида бошқа фанлардан фарқ қиласи» деб ёzáди. Е.Г.Азимова ва А.Н.Шукинанинг “Методик терминлар луғатида”: Лингводидактика чет тилларни ўқитишнинг умумий назарияси бўлиб, унинг асосий вазифаси ўқув методикани ишлаб чиқишидир.

Демак, *компьютер лингводидактикаси* – лингводидактиканинг бир бўлими бўлиб, тил ўргатишда компьютердан фойдаланиш назарияси ва амалиётини ўрганувчи соҳа саналади.

Лингводидактика умумий психология; ўқитиш психологияси; билиш назарияси; педагогика каби фанларнинг бирикувидан таркиб топган бўлса,



компьютер лингводидактикаси эса компьютер тилшунослиги, сунъий интеллект, компьютер дастурлаш дизайнни, психология соҳалари билан чамбарчас боғлиқ. 60-йилларнинг охири 70-йилларнинг бошларида мазкур соҳа ривожлана бошлади. Бугунги кунда эса, тадқиқотчилар лингводидактиканинг 2 босқичи хусусида фикр юритмоқдалар: 1- босқич анъанавий («traditional» CALL); 2-босқич замонавий («modern» CALL).

Лингводидактиканинг биринчи босқичи XX асрнинг 60-80-йилларни қамраб олиб, нутқ фаолиятининг айрим турлари ва лисоний хусусиятларини ўргатиш учун компьютердан фойдаланиш билан таснифланади. Бунда ўқувчиларнинг нутқий компетенцияларини индивидуал топшириклар ва машқлар орқали шакллантириш дастурларини яратишга катта ургу берилди. Бу босқичда лексика, грамматика, нутқий фаолият, ёзиш ва ўқишни ўргатувчи машқ ва машқ-назорат дастурлари ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқич XX асрнинг 90-йилларидан бошланиб, компьютер технологияларининг ривожланиши билан таснифланади. Бунда компьютер технологияларининг имкониятлари кенгайди, жамиятнинг барча соҳаларига кириб бора бошлади. Мультимедиа воситаларининг пайдо бўлиши CD-ROM, гиперматн, гипермедиа технологияларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Мазкур технологиялар нутқий фаолиятнинг барча турлари, ёзма ва оғзаки нутқни ривожлантириш ҳамда тил ташувчиларининг реал мулоқотини тинглаб тушуниш компетенцияларини шакллантирувчи дастурлар ишлаб чиқилишига замин бўлди. Тил ўқитишида компьютердан фойдаланиш икки йўналишда амалга оширилади: 1) она тилини ўргатиш; 2) тил мухитида ва ундан ташқарида хорижий тилларни ўргатиш.

Мазкур соҳага оид тадқиқотларда унинг З йўналиши келтирилади:

Биринчи йўналишда тилни ўргатишида компьютердан фойдаланишининг назарий асослари ишлаб чиқилган. Бунда компьютер лингводидактикаси, яъни тил ўргатиш методикаси мустақил фан сифатида ажralиб чиқди ва қуйидаги



масалалар ҳал қилинди: - ўқитиши компьютерлаштиришда психологик-педагогик муаммолар; - компьютер дастурларининг типологияси масалалари; - ўқитиши бўйича компьютер дастурларининг дизайнни масалалари; - ўқиши жараёнига компьютер интеграциясини жорий қилиш йўллари ва усуллари; - ўқувчиларда коммуникатив кўникмаларни ривожлантириш ўқув компьютер дастурларини яратиш муаммолари.

Иккинчи йўналишда ўқувчиларда турли компетенцияларни шакллантирувчи ва дарс жараёнида қўлланувчи дастурлар ишлаб чиқилган. Бу даврда ўқув жараёнида турли типдаги компьютер дастурларидан фойдаланиш муаммолари ўрганилган. Жаҳонда компьютерни ўқув жараёнида қўллаш бўйича етарли тажриба тўпланган бўлиб, бу борада олиб борилган мухим илмий-методик тадқиқотлар, кўпгина таълимий-назорат дастурлари, мультимедиа дарслеклари, фонетика, лексика, грамматика, ёзиш, ўқиши, тинглаб тушуниш, гапириш кўникмаларини шакллантирувчи дастурлар ишлаб чиқилган.

Учинчи йўналишда эса, дарс жараёнида тил ўргатишида компьютер интеграциясини ташкил қилиш йўллари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Яратилган дастурлар ва бошқа электрон ишланмаларнинг сифати, албатта, муаллифларнинг шахсий қарашларига, илмий-методик савиясига ва умумий маданиятига боғлиқ эканлиги ҳақидаги тадқиқотлар юзага келди. Масалан, баъзи таълимий-электрон ишланмалар кўзланган мақсадга тўла-тўқис эришишга хизмат қилса, баъзилари ўта қизиқарли, эстетик жиҳатдан юқори сифатли бўлишига қарамай, муайян мавзу бўйича керакли билим ва кўникмаларни эгаллашга хизмат қilmай, информатика ва информацион маданият курсини ўрганишгагина ёрдам беради.

Хозирги пайтда Россия, Украина, Франция, Япония, Канада ва бошқа мамлакатларда таълимий-электрон ишланмаларни яратиш концепциясини



ишлиб чиқиш бўйича илмий-методик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Концепцияда ишланмаларнинг моҳияти, уларни яратиш, текшириш ва қўллаш тартиби белгиланган. Мутахассисларнинг фикрича, таълимий-электрон ишланмалар асосан техник, педагогик, методик талабларга жавоб бериши зарур. Улар шундай талабларга мос келсагина, таълим жараёнида қўлланилиши мумкин.

Тилни компьютер орқали ўргатиш бўйича тадқиқот олиб бораётган хорижий мутахассис Майкл Леви компьютер лингводидактикаси билан психология ва «ИНСОН-КОМПЬЮТЕР» алоқадорлигининг тил ўргатишга таъсири ҳақида фикр юритади. Унинг «Обучение языку с использованием компьютеров: контекст и концептуализация» (1997) монографиясида лингводидактиканинг бошқа фанларга таъсири, тил ўргатишда компьютер ва инсоннинг алоқадорлигини атрофлича ёритади.

Бугунги кунда ўқитишни компьютерлаштириш назариясини ишлиб чиқиш, ҳақиқатан ҳам, ўқув фаолиятининг самарадорлигини оширадиган, ўрганилаётган мавзуга нисбатан ижобий муносабат ва қизиқиши шакллантирадиган таълимий-электрон ишланмаларни яратишнинг умумий ва хусусий мезонларини белгилаш зарурати пайдо бўлди.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели талабларига мос келадиган ҳамда Давлат таълим стандартлари асосида ишлиб чиқилган «Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётлари янги авлодини яратиш концепцияси»нинг асосий вазифаларидан бири сифатида электрон ўқув-услубий мажмуаларининг яратиш учун илмий-гоявий, психологик-педагогик ва методик талабларни ишлиб чиқиш, электрон ўқув-методик мажмуаларидан тўғри ва рационал фойдаланиш мақсадида уларнинг мавжуд шакллари ва турларига аниқ таърифлар бериш ҳамда мамлакат миқёсида замонавий электрон ўқув-методик мажмуаларни тайёрлаш бўйича стратегик масалалар



кўламини аниқлаш белгиланган. Шундан келиб чиқиб, она тили ва хорижий тилларни ўқитиша қўйидагиларнинг инобатга олиниши мақсадга мувофиқдир:

1. Автоматлаштирилган ўқитиши тизими, яъни техник қурилмалар дастурлаш таъминоти ва мужассамлашган компьютерли комплексни яратиш орқали компьютер билан инсон мулоқоти диалог режимида тушунтириш ўтказиш, маълумот бериш, маслаҳат бериш, назорат қилиш, машғулот ўтказиш, моделлаштириш, ўқитиши, билимларни баҳолаш каби дастурларни ишлаб чиқиш.

2. Ўқитувчиларимиз замонавий компьютер ўқув дастурларини, интерактив фаолиятни, кашфиётта асосланган таълим усулидан амалий фойдаланишини ўрганиб, таълим натижаларида катта самарадорликка эришиш.

3. Янги авлод дарсликлиари ва янги таълим усули билан ўтказиладиган машғулотларнинг самарадорлигини ошириш учун ўқувчилар қўшимча ахборот манбалари билан таъминлаш. Ўқитувчилар она тили ва хорижий тил бойликларини ўқувчиларга етказа оладиган қомусий маълумотнома, турли хилдаги (изоҳли, уядош сўзлар, маънодош сўзлар, зид маъноли сўзлар, шаклдош сўзлар) лугатлар, электрон дарслик, аудио-визуал воситалар (ҳар бир мавзу юзасидан синфлар кесимида тақдимот, мультимедиа, видеоролик) билан таъминлаш.

4. Электрон ўқув дастурлар ва адабиётлар яратиш. Электрон ўқув адабиётларида берилган матнлар, тестлар, мустақил иш учун топшириқлар, дидактик материалларни ҳам ижодийлаштириш, ҳам замон талабларига жавоб берадиган тарзда такомиллаштириш устида ўйлаш ва изланиш лозим. Бунинг учун дарсликларимизда ўз аксини топган шарқона тестлар, топқирлар беллашуви, қувноқлар ва зукколар мусобақаси, мантиқий машқлар учун зарур бўлган савол ва топшириқлар миқдорини ошириш замон талабидир.



## Литература:

1. Азимов Э.Г. Теория и практика преподавания русского языка как иностранного с помощью компьютерных технологий: Автореф. дис. ... д-ра пед.наук. - М. 1996.
2. Бовтенко М. А. Компьютерная лингводидактика: учебное пособие. - М.: Флинта: Наука, 2005.
3. Крупченко А.К. Становление профессиональной лингводидактики как теоретико-методологическая проблема в профессиональном образовании: Автореф. дис. ... д-ра пед.наук. - М. 2007.
4. Романова Н.Н. Лингводидактическая система профессионально-коммуникативной подготовки специалистов в высшей технической школе: Автореф. дис. ... д-ра пед.наук. - М. 2009.